

Шахс товламачиликда асоссиз айбланганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 27 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, Бектемир туман судининг 2003 йил 21 апрелдаги ҳукмига асосан Б. ЖК 169-моддаси 2-қисмининг «в» банди, 165-моддаси 2-қисмининг «в» банди, 164-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбдор деб топилган.

2002 йил 15 декабрь куни эрталаб Б. тергов даврида шахсини аниқлашнинг имконияти бўлмаган таниши билан бозорда юк аравасига ортилган ҳолда олиб кетилаётган, М.га тегишли умумий баҳоси 21.000 сўмлик 7 жуфт болалар оёқ кийимини яширин равишда ўғрилаб, талон-торож қилишган.

Шундан сўнг, Б. жиноий шериги билан биргаликда кўлга киритишган 7 жуфт болалар оёқ кийимларини М.га қайтариб бериш эвазига ундан товламачилик йўли билан 11.000 сўм пул олишган.

Бундан ташқари, Б. 2002 йил 18 декабрь куни эрталаб тергов даврида шахсини аниқлашнинг имконияти бўлмаган уч нафар танишлари билан биргаликда М.нинг йўлини тўсишиб, пичоқ кўрсатиб уни кўрқитишиб, 37.000 сўм пулини босқинчилик йўли билан эгаллашган, худди шундай йўл билан улар Х.нинг 300 сўм пулини ҳам талон-торож қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларини ўзгартириш масаласи қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раёсати 2005 йил 27 май куни қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг «в» банди диспозициясида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзгачан мулкнинг манфаатлар беришни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш назарда тутилган.

Мазкур иш бўйича қайд этилган Қонун талабларига риоя қилинмаган.

Жиноят ишининг материалларига, ишдаги тўпланган далилларга қараганда, М. ўғрилатиб қўйган 7 жуфт болалар оёқ кийимларини Б. топиб берган тақдирда унга суюнчига пул беришни таклиф қилган. Келишувга кўра, Б. томонидан тақдим этилган мулкни олгач, М. Б.га ҳамда унинг тергов даврида шахсини аниқлашнинг имконияти бўлмаган танишига 11.000 сўм пулни ўз хоҳиши билан берган.

Суд М.нинг ўғрилатган пойафзаллари топилганлиги эвазига ихтиёрий равишда Б.га суюнчи бериш ҳақида Б. билан олдиндан келишиб олганлиги ҳамда келишув шартларини бажариб, Б.га 11.000 сўмни М.дан суюнчи сифатида берганлигига етарли аҳамият бермасдан, уни товламачилик жиноятини содир этган деган, нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсати томонидан суд қарорларининг Б.ни ЖК 165-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан айбли деб топган қисми бекор қилиниб, жиноят ишининг шу қисми тугатилди.

22ж-005-05 сонли қарор

